

## Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1 311,7 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 10,8 минг кишига ёки 100,8 фоизга кўпайди.

Ҳисобот даврида аҳолининг табиий ўсиши 11 322 кишини ташкил этди. 2017 январь-июнь ҳолатига аҳолининг кўчиб келиш ва кўчиб кетиш миграция сальдоси, дастлабки маълумотларга кўра, -584 кишини ташкил қилди. (Кўчиб келганлар 4 970 киши, кўчиб кетганлар 5 554 киши).

2017 йил январь-июнь ойида аҳолининг табиий ҳаракати қуйидагича ифодаланади:

	Киши			Ҳар 1000 кишига	
	2016 й.	2017 й. <sup>1)</sup>	ўсиш, камайиш (+;-)	2016 й.	2017 й. <sup>1)</sup>
Туғилганлар	14 480	14 170	-310	22,7	21,9
Ўлганлар	2 577	2 848	271	4,0	4,4
шу жумладан бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан	184	224	40	11,6	14,5
Табиий ўсиш	11 903	11 322	-581	18,7	17,5
Никоҳлар	3 200	3 290	90	5,0	5,1
Ажралишлар	456	526	70	0,7	0,8

2017 йил 1 июль ҳолатига туғилганлар сони 14 170 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига нисбатан -310 кишига, туғилиш коэффициенти 21,9 промилледан 22,7 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг деярли барча ҳудудларида қайд этилди. Мирзачул туманида (17,8 промилледан 17,6 промилле), Арнасой туманида (20,9 промилледан 18,1 промилле), Зафаробод туманида (21,0 промилледан 17,6 промилле)га камайди. Туғилишнинг юқори даражаси Бахмал туманида (24,5 промилле), туғилишнинг энг паст даражаси Мирзачўл туманида (17,3 промилле) кузатилди.

Ҳисобот даврида ўлганлар сони 2 848 кишини ташкил этди. Ўлганлар сонининг камайиши Арнасой (2,7 промилле) ва Мирзачул (3,2 промилле) туманида кузатилди.

Энг кўп ўлим ҳоллари Фориш тумани (5,0 промилле), Бахмал (4,8 промилле), Ғаллаорол (4,8 промилле) ва Пахтакор туманларида (4,6 промилле) кузатилди.

<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

Ўлганлар умумий сонидан қон айланиш системаси касалликларидан 1 514 та (53,2 фоизи), бахтсиз ҳодисалардан: 232 та (8,1фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан: 162 та (5,7 фоизи), саратон касалликларидан 251 та (8,8 фоизи) ва юқумли касалликлардан 37 та (1,3 фоизи) бошқа касалликлардан: 652 та (22,9 фоизи) вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил 1 июль ҳолатига бир ёшга тўлмай ўлган болалар сони 224 тани ташкил қилди. Гўдақлар ўлими 2016 йилнинг январь-июнида 11,6 бўлиб, 2017 йил январь-июнида 14,5 промиллени ташкил этди.

Жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан: перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан 117 та (52,2 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 69 та (30,8 фоизи) вафот этган.


**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2017 йилнинг январь-июнида ФХДЁ органларида 3 290 та никоҳлар ва 526 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 5,1 промилле, никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 5,0 та) ва 0,8 промилле ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 0,7 промилле) тўғри келади.

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 4 970 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 5 554 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 584 кишига (2016 йилнинг шу даврида – минус 515 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиғлар Ғаллаорол (минус 0,3), Зомин (минус 0,2) Мирзачўл туман (минус 0,2) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнда қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига



**Мехнат ресурсларининг сони** дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-июнига нисбатан 101,3 фоизга кўпайиб, 753,6 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,4 фоизини ташкил қилди.

Нодавлат секторида банд бўлганлар улуши 2016 йилда ўтган йилнинг шу давридаги 81,1 фоиздан 81,5 фоизга ўсди.


2017 йилнинг январь-июнида меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 5,1 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2016 йил январь-июнига нисбатан 471 кишига ёки 91,6 фоизга камайди. Меҳнат бўлимларига иш қидириб мурожаат этганлар даражаси Жиззах шахрида (вилоят бўйича иш қидириб мурожаат этганлар умумий сонининг 17,0 фоизи), Ғаллаорол туманида (11,6 фоизи), Бахмал туманида (10,9 фоизи), Ш.Рашидов туманида (9,1 фоизи) юқори бўлди<sup>1)</sup>.

Меҳнат бўлимларига мурожаат қилганлардан 4,3 минг фуқаро (барча мурожаат этганларнинг 84,1 фоизи) ишга жойлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 2016 йилнинг шу даврида 89,6 фоизни ташкил этган. Иш сўраб мурожаат қилганлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 471 кишига камайди. Ишга жойлаштирилганларнинг 54,9 фоизи 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган аҳолидир.

2017 йил июн ойининг охирида иш қидириш учун вилоят меҳнат бўлимларида ҳисобда турган аҳоли сони 309 кишини ташкил қилди. (2016 йил июнь ойининг охирида 289 киши бўлган).

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳолининг аксарияти Фориш туманига (58 киши, жами рўйхатда турганларнинг 18,7 фоизи) ва Жиззах шахрига (33 киши, вилоят миқёсида жами рўйхатда турганларнинг 10,7 фоизи) тўғри келади.

Меҳнат бўлимлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:



<sup>1)</sup> Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотлари бўйича

Меҳнат бўлимларида рўйхатга олинган иш билан банд бўлмаган фуқаролар умумий сонидан шу йилнинг март ойи охирига 237 киши ёки 76,7 фоизи ишсиз деб эътироф этилган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг маълумотларига кўра, 2017 йил январь-июнь ойида хизматлар соҳаси ва сервисни ривожлантириш мақсадли комплекс Дастурларини амалга ошириш доирасида, вилоят бўйича 19,5 минг иш жойлари ташкил қилинган.

Вилоят бўйича ташкил қилинган янги иш жойлари умумий сонининг 29 фоизи (5,6 мингта иш жойи) қишлоқ жойларга тўғри келади.